



ТАСДИҚЛАЙМАН"
Янгиарик туман хокими
А.Давлетов

ТЕХНИК ТОИШИРИК

1	Буюртмачи	Янгиарик туман Хокимлиги
2	Хизмати тури	Янгиарик туманида яшовчи Аёллар дафтарига киритилган хотин-кизларнинг уйларини таъмирлаш учун қурилиш моллари сотиб олиш ва сотиб олинган қурилиш материалларини манзилга 1 кунда етказиб бериш
3	Танлов тури	Очиқ танлов
4	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзили	https://e-tender.uzex.uz энг яхши таклифлар
5	Танлов ўтказиш манзили, жойи ва муддати	Янгиарик туман Хокимлиги (Янгиарик туман Мустақиллик кўчаси 74 уй), (0362)38-54-005. Танлов тугагандан кейин 5 (беш) иш куни мобайнида бўлиб ўтади
6	Буюртмачи томонидан бажарувчи ташкилотига (хўжалик юритувчи субъект) қўйиладиган талаблар;	1. Қурилиш моллари 10000 килограмм цемент 40 килограммли кожда композиционий портландцемент ЦЕМ 2 А-К(П-И)32,5Н АО Кизилкумцемент марка 500 лик, Шафал 20 тонна, стандарт буйича булиши керак. 2. Қурилиш моллари етказиб берилишидан олдин қурилиш материаллари хакикаттан борлиги қурилади. қурилиш материаллари 1 кун ичида етказиб бериш шарт; 3. Хизмат курсатувчи ташкилот муддатида тайёрлаб етказиб бериш учун етарли ва зарур техникаларга, малакали ишчи ходимларга эга булиши шарт;
7	Танловда иштирок этишга қуйидаги танлов иштирокчиларига рухсат этилади	Ушбу фаолият бўйича тажрибасига эга бўлиши, Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаган ташкилотлар иштирок этадилар.

Хизмат кўрсатиладиган муассаса номи	Янгиарик туман хокимлиги
Манзили	Янгиарик туман Мустақиллик кучаси 74-уй



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Янгиарик туман хокими

 А.Давлетов

» _____ 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Янгиарик тумани 2022 йил

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

1. Танлов предмети ва тахминий қиймати

1.2 Танлов охирги қиймати 12 000 000 (Ун икки миллион) сум ҚҚС билан. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайда ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Бажариладиган иш турлари техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 кун ичида.

1.5 Ишларни бошлаш муддати — шартнома тузилган кундан бошлаб ҳисобланади аванс белгиланган 30 %ни ташкил қилади.

1.6 Етказиб берилган парранда ва ем маҳсулотидан келиб чиқиб шартнома суммасидан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилади агар 2022 йил охиригача ҳисоб фактурага асосан бажарилган иш ёки етказилган маҳсулот суммаси шартнома суммасидан оз бўлса ҳам шартнома тўлик бажарилмаган деб ҳисобланади.

2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Янгиарик туман ҳокимлиги (бундан кейин буюртмачи деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Хоразм вилояти Янгиарик тумани Мустақиллик кучаси 74 уй

Эладрес:

2.2 Танлов Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тарзда ўтказилади

2.3 Танлов Янгиарик туман ҳокимлиги Буюртмачи томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатда ўтказилади.

3. Танлов иштрокчилари

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда маҳсулот, иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 30% миқдордаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк кафолатномаси, ишлар хизматларни маҳсулотларни етказиш бажариш учун зарур бўлган меҳнат(ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Танлов ишларига ўхшаш ишларни бажарганлик тажрибаси мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисида маълумот; Низом гувоҳнома маблағ миқдори устав фонд.

3.3 Агар танлов предмети бўлган маҳсулотлар ишлар хизматларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштрок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: Қайта ташкил этилиш, (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол мулк мусодара қилинганлар, ҳамда муассасалик келишув, молиявий

иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлиги.

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.1 Иштрокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар Буюртмачи ва иштрокчи ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;

-Тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига ва маълумотларнинг ҳақонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштрокчилар учун таалуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунига узайтирилиши мумкин;

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиш қарори асосида амалга оширилади;

5.3 Танлов муддатини узгартириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим;

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар;

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштрокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир;

6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. Бошқа шартлар

7.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 3 кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (товарни, ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўймайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 10 кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади;

7.2 Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб

тушган санадан эътиборан 2 иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 2 кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак;

7.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш байённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан 3 иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади;

7.4 танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш байённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан 3 иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт;

7.5 танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

ИЛОВА

Товар бошлангич нархлари

	Номи	Тури	сони	Дона Суммаси	Жами суммаси	Изоҳ
1	Цемент	кг	10000	1000	10000000	қурилиш моллари сифатли стандарт лицензияга эга материаллар булиши керак 1 кун муддат етказиб берилиши керак
2	ШАҒАЛ	МЕТР/КУБ	20	100000	2000000	
3						
Жами сумма						12 000 000 сўм

Янгиарик туман ҳокими



А.Давлетов